Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 7 июнь, шанба • № 45 (10.923) • Эркин нархда сотилади

ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР -- ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

5 июнь куни Тошкентда «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни тузиш» комиссиясининг йиғилиши бўлди. Мажлисни республика Президенти Ислом Каримов бошқарди.

Унда тегишли вазирликлар, қўмиталар, уюшмалар, жамғармалар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислар иштирок этди.

Мамлакатимизда ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тақдирида, одамлар дунёқарашининг ўзгаришида, буюк давлат барпо этишдек олижаноб орзуимизнинг рўёбга чиқишида замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади, деди Президент. Ана шу мақсадда шу йил бошида давлат комиссияси тузилиб, унга республикада кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур ишлаб чиқиш вазифаси топширилган эди. Бугунги йиғилишдан мақсад мазкур дастурда кўзда тутилган тадбирларга муносабат билдириш, таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилишда унга қандай ўзгартиришлар киритиш ҳақида комиссия аъзолари, мутахассислар билан яна бир карра фикр алмашиб олишдир.

Дастурда кўзда тутилган асосий мақсад нимадан иборат? Биринчидан, биз эркин, демократик жамият барпо этяяпмиз. Бозор муносабатлари ҳаётимизга теран кириб бормоқда. Маънавиятни юксалтириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Қисқача айтганда, дунёқарашимиз, ҳаётимиз ўзгармоқда. Лекин таассуфки, республикада кадрлар тайёрлаш, таълим-тарбия тизимида жиддий ўзгариш рўй бермаяпти. Аслида ислоҳотларни мана шу соҳадан бошлаш керак эди. Бу тизимдаги ишларимиз ҳамон эски қолипда давом этмоқда ва у ҳозирги замон талабларига мутлақо мос эмас. Шунинг учун биз бу тизимга танқидий нуқтаи назардан баҳо беришимиз, миллий дастуримизда қандай ўзгаришларни амалга ошириш лозимлигини белгилаб олишимиз зарур.

Иккинчидан, тан олиб айтиш керакки, бизда қарор топган таълим-тарбия тизими марказдан бошқарилар эди. Шунинг оқибати ўлароқ, бу ишда турли пала-партишликларга йўл қўйилди. Хусусан, моҳияти номаълум бўлган суньий ўн бир йиллик таълимга ўтилди. Бунда миллий ўзига хослик, қадимий тажрибалар, анъаналар инобатга олинмади. Мана шу ҳолатнинг ўзиёқ миллий дастур ишлаб чиқиш нақадар зарурлигини исботлайди.

Истиқлол шарофати билан Ўзбекистон дунёга юз очди. Бугун дунёдаги демократик, мутараққий давлатлар тажрибасини ўрганиш имкониятлари ғоят кенг. Бу борада ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Улар тўплаган тажрибанинг биз учун мақбул жиҳатларидан фойдаланиш ҳам миллий дастуримизда кўзда тутилмоғи даркор. Энг муҳими, шуни англаб етишимиз керакки, кадрлар масаласини ҳал этмас эканмиз, саъй-ҳаракатларимиз кутилган натижаларни бериши, ҳаётимиз, маънавиятимиз ўзгариши қийин кечади. Демакки, замонавий таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйиш фаолиятимизнинг бош йўналиши бўлмоғи даркор.

Чунки бизнинг халқимиз талант ва иқтидор жиҳатидан ҳеч кимдан кам эмас. Унга маърифатнинг равон йўллари очиб берилса, жаҳонда ўзига яраша обрўли ўринни эгаллай олади, деди Ислом Каримов. Шу ўринда амалдаги таълим-тарбия тизимининг камчиликлари нималардан иборатлигини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Бу камчиликлар, аввало, мактабларимиз, ўқув даргоҳларимизнинг моддий базаси талаб даражасида эмаслиги билан боғлиқ. Иккинчидан, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг билим савияси замон талабларига жавоб бермайди. Ўзингиз ўйланг, ўқитувчининг ўзи эски замон дастурлари асосида ўқиган бўлса, ислоҳотлар моҳиятини ўзи тўлиқ англаб етмаса, у қандай қилиб болаларга бу соҳада замонавий билим берсин? Қолаверса, бизда ўқув жараёнининг босқичлари илмий асосланганми, ўқувчи биринчи синфда нималарни, бешинчи синфда нималарни билиши керак? Уларга маънавият асосларини неча ёшдан ўргатган маъқул? Билим ва тажрибанинг болалар онгида уйғунлашиб боришига қандай эришилади? Бу масалаларни ким, қайси илмий муассаса ўрганмоқда?

Мен боя таълим-тарбия тизимида пала-партишликлар мавжуд, деганимда ана шу саволларни ҳам назарда тутган эдим. Натижада биз ёшларимизни мустақил фикрлашга керакли даражада ўргата олмадик. Мактабларни битириб чиққан айрим ёшларнинг мустақил фикри йўқ. Мустақил фикрга эга бўлмаган одам эса ҳар қандай оломонга эргашиб кетаверади. Масаланинг энг муҳим жиҳати айнан мана шундадир, деди юртбошимиз.

Ишлаб чиқилаётган дастур мактабгача тарбия муассасаларидан то олий ўқув юртларигача бўлган билим даргоҳларининг фаолиятини тубдан ислоҳ қилишни кўзда тутади. Мазкур дастур қандай амалга оширилади, янги таълим-тарбия тизимига қайси муддатларда ўтилади? Мана шу саволларга аниқлик киритиб олишимиз лозим.

Биз мамлакатимизда тўққиз йиллик мажбурий ва уч йиллик ихтисослашган таълимни жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб биламиз. Шундай экан, ана шу янги тизимга хос моддий-техника базасини яратиш зарурати туғилади. Янги тизимга ўтиш муддатини белгилашда ана шу жиҳатни инобатга олиш зарур. Токи пухта ўйламай қўйилган бирон қадам янги тизимни обрўсизлантириб қўймасин. Биз астойдил ҳаракат қилсак, икки-уч йил мобайнида тайёргарлик ишларини тугаллай оламиз, деб ишонаман.

Бу ўринда уч йиллик таълимга жиддий эътибор бериш керак. Чунки у биз учун янгилик бўлиб, ҳозирги ўрта мактаб, билим юртлари ва техникумлардан кескин фарқ қилади. Бу ерда ёшлар бозор муносабатлари шароитида ишлай оладиган, рақобатга бардош берадиган касб ва ҳунар эгалари бўлиб етишади. Бошқача айтганда, ҳаётга тайёрланади. Бу эса унда ишлайдиган ўқитувчиларга катта талаб қўяди. Ҳозирги ўрта мактаб ўқитувчилари бу билим даргоҳларида тўғридан-тўғри ишлай олмайдилар. Уларни аттестациядан ўтказиш, камида турли олий ўқув юртлари қошидаги курсларда қайта ўқитиш зарур бўлади.

Янги тизимга ўтилар экан, комиссия харита тузиб, ҳар бир уч йиллик ўқув даргоҳининг қайси вилоят, қайси туман, қайси шаҳар ёки қишлоқда жойлашишини, қанча ўқувчи қабул қилишини, у қайси тўққиз йиллик мактаблар битирувчилари ҳисобидан тўлдирилишини белгилаб чиқишлари шарт. Унда неча хил ихтисослик бўйича ўқитилади, уни ким маблағ билан таъминлайди, ким жиҳозлайди, узоқдан қатнаб ўқийдиганлар учун ётоқхона ёки интернат қуриладими? Ана шу саволларга ҳам олдиндан жавоб тайёр бўлиши керак. Қолаверса, бу мактаблар учун иложи борича янги замонавий биноларни қуриш лозим.

Бу ишларни амалга оширишда мамлакатимиздаги демографик вазиятни, аҳолининг ўсиш суръатларини ҳам эътиборга олиш лозим бўлади. Биз қайси йили нечанчи синфга қанча ўқувчи боришини аниқ билишимиз даркор.

Ана шу кўрсаткичлар аниқланганч, Молия вазирлиги, ҳокимликлар ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади, дастурни маблағ билан таъминлаш манбаларини белгилайди.

Дастурда олий таълимни такомиллаштиришга алоҳида аҳамият бериш зарур, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари. Бу илм даргоҳларини битириб чиққан мутахассислар замонавий стандартларга жавоб бериши бугунги кун талабидир.

Илгари ёшлар, айниқса, уларнинг ота-оналари онгида шундай тушунча ҳукмрон эди: кимки олий ўқув юртини битирса, нони бутун бўлади, ҳаётда ўз ўрнини топади. Бир кун келиб раҳбарлик лавозимини эгаллайди. Бу моддий манфаатдорлик кайфиятидан келиб чиқадиган қараш эди. Бошқача айтганда, институт ёки университетда обрў учун, келажакда қандайдир кафолатга эга бўлиш учун ўқиларди. Афсуски, ҳозир ҳам ана шу ҳолатни кўмсайдиганлар йўқ эмас. Баъзида олий ўқув юртини аъло баҳоларга тугатганларга шундай кафолат бериб, уларни давлат тақсимоти бўйича ишга юборишни тавсия этишади. Аслида бозор муносабатлари шароитида аълочи талабанинг харидорлари кўп бўлиши керакку?

Олий таълимдаги асосий камчилик мана шунда эмасми? Ҳолбуки, олий ўқув юртида фақат обрў учун эмас, балки билим олиш учун ўқиш керак. Биз билимнинг, мутахассислик шаҳодатномасининг нуфузини кўтаришимиз, ҳаммага бир хил эмас, балки билимига қараб турли даражали дипломлар беришни жорий этишимиз зарурдир.

Ҳозир мамлакатимиз олий ўқув юртларида 85 мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Шулардан қайси бирлари биз учун зарур, қай бирларига эҳтиёж кам, яна қандай мутахассисликлар бўйича ўқишни йўлга қўйиш лозим? Бу саволларга аниқ жавоб бўлиши керак. Республика Фанлар академияси ва ишлаб чиқариш ташкилотлари мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ҳисоблаб чиқиб, аниқ тавсиялар беришлари лозим. Шунга қараб керакли мутахассислар бўйича давлат буюртмаси шаклланади. Олий ўқув юртларига қабул қилинувчилар сони белгиланиб, давлат стипендияси ажратилади. Бундан ташқари, ўз ҳисобидан ўқишга кирувчиларга ҳам кенг йўл очиб берилади. Хуллас, илм олиш борасида ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслиги керак. Зеро, фан — тараққиёт демакдир. Фанни юксак ривожлантирмай, Ватаннинг келажаги ҳақида гапириш қийин. Билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни топиб, уларни Ватанга фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш муқаддас вазифадир.

Бунинг учун эса эски дастурлар асосида ўқиган профессор ва ўқитувчиларни қайта тайёрлаш, олий ўқув юртларининг ёш муаллимларини ривожланган мамлакатларга ўқишга юборишни, у ерда малака ошириб келишини йўлга қўйиш зарур. Бунинг учун, лозим бўлса, «Умид» жамғармасига ўхшаш махсус фонд ташкил этиш керак. Қолаверса, юқори босқич талабаларининг ҳам ўқувнинг кейинги бир-икки йилини дунёдаги илғор ўқув юртларида ўтказишларига имконият яратиш лозим. Хорижий ўқув даргоҳлари билан илмий кенгашлар тузиш, яъни билим олиш соҳасида интеграцияни йўлга қўйиш ҳам замон талабидир, дея таъкидлади Президент.

Олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг ўз устида ишлаши учун шароит яратиб бериш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айрим мутахассисликлар бўйича профессор-ўқитувчилар етишмаса, уларни чет элдан таклиф қилиш мумкин.

Одатда бирон корхона тўла қувват билан ишламаса, инқирозга юз тутади. Нега бизда айрим институт ва университетлар шундай ҳолатда фаолият кўрсатмоқда? Бу ерда олий ўқув юртларидаги кутубхоналарни зарур адабиётлар билан тўлдириш ҳақида гап бўлди. Аввало, эски қолипдаги дарсликлар билан замонавий кадрларни тайёрлаб бўлмайди. Аввало, биз ўз дарсликларимизни яратишимиз зарур. Агар, хориждан адабиётлар келтиришга эҳтиёж бўлса, улардан фойдаланиш имконияти бўлса, марҳамат, керакли маблағни ажратамиз. Лекин, сал изн берилса, кутубхоналарни совет замонида битилган дарслик ва қўлланмалар билан тўлдириб ташлашга тайёр турганлар ҳам топилади. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Рус тилидаги адабиётлар асосида она тилини билмайдиган нўноқ мутахассислар тайёрлаганимиз етар. Бу ҳолда давлат тилига қачон ўтамиз? Ўз давлат тилини билиш, уни ўрганиш юксак маънавият, Ватани ва халқига садоқат белгиси эмасми?

Танлаган тараққиёт йўлимиздан изчил боришимиз, ўтказаётган ислоҳотларимиз самарадорлигига эришишимиз, халқимизнинг қиёфаси, дунёқараши ўзгариши учун замонавий кадрлар тайёрлаш бўйича тузилаётган дастур бизга ҳаракатимиз асоси бўлиб хизмат қилиши лозим, деди Ислом Каримов пировардида. Бунинг учун эса мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини ислоҳ этишни қатъий йўлга қўйишимиз, мазкур дастурни кенг омма муҳокамасига ҳавола этиб, ватандошларимиз назаридан ўтказиб олишимиз зарур. Токи у барчамизнинг келажакни ўйлаб амалга оширадиган виждон ишимизга айланиб қолсин.

Мажлисда дастурни такомиллаштириш, унда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш юзасидан мутасаддилар вазирлик, идора, ташкилот ва уюшмалар раҳбарларига топшириқлар берилди. Республика меҳнат вазири О. Обидов, халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, олий ва ўрта махсус таълим вазири О. Салимов, халқ таълими вазирининг ўринбосари Ҳ. Маъсудов, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети ректори Т. Долимов, биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ректори Т. Даминов, республика тест маркази директори М. Муҳиддинов ва бошқалар муҳокама этилган масала юзасидан фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Мажлисда Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Т. Орипов, Олий Мажлис Раиси ўринбосари А. Қосимов, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев иштирок этди.

(ЎзА).

СУРАТДА: мажлис пайти. А. Тўраев олган сурат.

Вилоят ҳокимлигида

АНИҚ КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Яқинда вилоят ҳокимлигида таносил касалликларининг тарқалишига қарши курашувчи вилоят маҳкамалараро комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни вилоят ҳокими муовини, комиссия раиси Д. Жаҳонгирова бошқарди.

Комиссия йиғилишида вилоят тери-таносил касалликлари диспансерининг бош шифокори С. Соипов «Вилоятда таносил касалликлари тарқалишининг олдини олишда 1996 йил натижалари ва 1997 йилнинг биринчи чорагидаги аҳвол тўғрисида» ҳисобот берди.

Йиғилишда таъкидланганидек, Янгийўл, Чиноз, Зангиота, Қибрай ва бошқа қатор туманларда бу борада эътиборсизликка йўл қўйилаётир. Оқибатда захм, сўзак касалликлари билан оғриган беморлар учраб турибди. Сўзга чиққанлар бундай дардларнинг олдини олишда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар хусусида ҳам кенг тўхталдилар.

Йиғилишда кун тартибига қўйилган масала юзасидан вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Р. Ҳайдаров, вилоят «Савдо» концерни бошқаруви раиси муовини В. Шемоняева, Янгийўл тумани ҳокими муовини Б. Тўраевлар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Жойлардаги аҳволни назорат қилиш юзасидан қатор мутасадди ташкилотларга аниқ вазифалар топширилди. Билдирилган танқидий мулоҳазалар ва тавсиялар асосида соғлиқни сақлаш, ички ишлар идоралари, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари, вилоят «Камолот» жамғармаси, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари, фаоллар жамоатчилиги билан ҳамкорликда ишлашга келишиб олинди. Таносил касаллигига чалинган беморларни руйхатдан ўтказиш, бепул даволашни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

ҒАЛЛА МУСТАҚИЛЛИГИ УЧУН



КОМБАЙНЛАР ИШГА ТУШДИ

БЕКОБОД туманидаги хўжаликларда ғалла ўримига киришилди. Айниқса «Далварзин», Улуғбек номли, Алишер Навоий номли, «Хос», «Авангард», «Навбаҳор» жамоа хўжаликларида бу иш жадал боряпти.

Туманда 12 минг гектардан кўпроқ майдонда етиштирилган мўл ҳосилни нес-нобуд қилмай саранжомлаб олиш учун барча имкониятлардан самарали фойдаланилмоқда. Ҳар бир хўжаликда комбайнларнинг бетўхтов ишлашини таъминлаш мақсадида бош муҳандис раҳбарлигида эҳтиёт қисмлар билан етарли миқдорда таъминланган кўчма таъмирлаш устахоналари ташкил этилди. Шунингдек, «Агромашсервис» уюшмасининг кўчма устахонаси ҳам ўрим техникасига хизмат қилмоқда. Хўжаликларда механизатор ва ғалла ташувчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратилган. Далада ишлаётганларга иссиқ овқат тайёрланмоқда. Биринчи кунданоқ энг кўп ғалла ўрган ва янчган комбайнчилар моддий рағбатлантирилаётир.

Раҳим ҚОДИРОВ.

ХАЙРИЯГА — 1 МИЛЛИОН

БУ КОРХОНАДА ишлаб чиқарилаётган қимматли бинокорлик материали — ғиштга талаб тобора ортиб бормоқда. Унинг бозори чаққон. Қурилиш ташкилотларига кўплаб етказиб берилмоқда. Айни вақтда якка тартибда уй-жой қураётган фуқароларга ҳам сотилмоқда.

Қибрай туманидаги «Буюк Турон» корхонаси бозор талабларини инобатга олиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини тобора кўпайтираяпти. Айни вақтда жамоа олаётган даромад ҳам, фойда ҳам ортиб бормоқда. Топилган бундай маблағдан хайрия ишларига ҳам пул ажратилмоқда. Кейинги салкам бир ярим йил ичида шундай тадбирларга бир миллион сўмдан ортиқ сармоя сарфланди.

Собир ҲАМИДОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

«ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ИЖРОСИ — НАЗОРАТ ОСТИДА

5 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Тошкент вилояти мисолида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Мажлисни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов олиб борди. У мажлисни кириш сўзи билан очар экан, муҳокама этилаётган масала жамият ҳаёти учун жуда муҳим аҳамиятга молик эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Республиканинг фаровонлиги ва истиқболдаги ривожи кўп жиҳатдан аҳоли энг кенг қатламининг манфаатига дахл қилувчи Қонун қандай ижро этилаётганлигига ҳам боғлиқ.

Тўрт йил муқаддам қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун ўзига хос ва муҳим ҳамда бетакрор дейиш мумкин. Зеро, унинг яратилишида жамиятимизда қарор топган анъана ва урф-одатлар ҳисобга олинган бўлиб, аҳоли турар жойларида ўн йиллар мобайнида тўпланган ишлаш тажрибасига асосланилган. Айни вақтда Қонун жамият тараққиётининг янги босқичига мўлжалланган бўлиб, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда аҳоли ўртасида самарали иш олиб бориш ҳамда ҳар бир фуқаронинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишдан иборат ҳуқуқини рўёбга чиқариши учун имкон яратиш мақсадини кўзлайди.

Мажлисда Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари С. Хўжаева, Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н. Исмоилов, Олий Малис депутатлари -- Бўстонлиқ тумани ҳокими А. Абдувосиқов, Паркент тумани ҳокими Т. Холтоев сўзга чиқдилар. Нотиқлар ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолининг ижтимоий-маиший соҳага доир талабэҳтиёжларини рўёбга чиқаришда, одамларни аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишига жалб этишда, маданий-оммавий тадбирлар ташкил этишда, жамоат тартибини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўмак беришда, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш мақсадида кичик корхоналар ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларда фаол иштирок этаётганлиги ҳақида гапириб бердилар. Вилоятда ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларининг топширилган ишга ижодий ёндашаётганлигини кўрсатувчи кўплаб ижобий мисоллар мавжуд. Уларнинг кўпчилиги ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун корхона ва ташкилотларнинг маблағларини жалб этмоқдалар. Болали оилалар ва кам таъминланган фуқароларга моддий ёрдам кўрсатиш бўйича Президент Фармонлари ва Ҳукумат қарорлари рўёбга чиқарилиши юзасидан маҳаллаларда ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг раиси Ш. Темуров, соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Р. Султонов, ички ишлар вазирининг ўринбосари Б. Парпиев, давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари Ш. Ўринбоев, мудофаа вазирлиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Б. Мирзамуҳамедов сўзга чиқиб, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ишини такомиллаштириш, давлат ва жамият олдида турган вазифалар ҳал этилишида уларнинг иштирокини янада фаоллаштириш юзасидан таклифлар киритишди.

Олий Мажлис Кенгаши қабул қилган қарорда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қонун ҳужжатларида белгиланган ўз ваколатларидан тўлароқ фойдаланиш, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш тадбирларини рўёбга чиқаришда давлат ҳокимияти органларига ҳар томонлама кўмаклашиш, аҳолининг кам даромадли қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича Узбекистон Республикаси Президентининг Фармонларини ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажаришга қаратилган ишларни кучайтириш, нафақалар ва моддий ёрдам адолатли тақсимланишини таъминлаш учун тегишли комиссиялар аъзоларининг масъулиятини ошириш тавсия қилинди.

Ўз иқтисодий ва молиявий негизларини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурлиги уқтириб ўтилди. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеини оширишга қаратилган янги талабларни ҳисобга олиб, ўз фаолият дастурларини қайта кўриб чиқиш, раис маслаҳатчилари ишининг асосий йўналишларини аниқлаб, ишлаб чиқилган ҳужжатларни июнь-июль ойлари мобайнида фуқаролар йиғинининг тасдиғига киритиш таклиф этилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда тадбирлар ўтказишда маъмурий комиссияларнинг фаолиятини кучайтириш, уларнинг ҳисоботларини тинглаш. 1997 йил -- Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан жойларда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган сиёсатни тушунтиришга қаратилган суҳбатлар ва консультациялар уюштириш, жамоат фикрини аниқлаб бориш, уни ўз вақтида туманлар ва шаҳарларнинг давлат ҳокимияти органлари эътиборига етказиш тавсия қилинди.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, қонунларни, жамият ва хўжалик ҳаётининг кўп томонлама муносабатларини тартибга солувчи бошқа ҳужжатларни аҳоли эътиборига етказиш юзасидан кўп ишлар қилиши лозимлиги алоҳида таъкидланди. Бу иш адлия, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, прокуратура органлари ҳамда юридик билимларни кенг тарқатиш ва одамларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга даъват этилган бошқа ташкилотлар ва муассасалар билан яқин ҳамкорликда олиб борилиши лозим.

Туман ва шаҳарларнинг ҳокимликларига қонун талабларидан келиб чиқиб, маҳаллий ҳаётга оид масалаларни ҳал этиш ваколатини бирин-кетин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига топширишга қаратилган ишларни улар билан биргаликда фаоллаштириш тавсия этилди.

Вазирликлар ва идораларга, жамоат бирлашмаларига фуқаролар ўзини ўзи бошқарувини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг шаклларини кенгайтириш зарурлигига, ўз ваколатларини рўёбга чиқаришда амалий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратиш тавсия қилинди.

Олий Мажлис Кенгаши Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғи ҳамда Олмалиқ шаҳридаги Усмон Носир номли маҳалла фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг иш тажрибасини маъқуллади.

Оммавий ахборот воситаларига ижтимоий-иқтисодий ва маиший масалаларни ҳал қилишда, ҳудудларни ободонлаштиришда, жойларда фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлашда, кам даромадли ва муҳтож фуқароларга ёрдам кўрсатишда салмоқли ютуқларга эришган, аҳолини маънавий-ахлоқий тарбиялаш ишига ибратли ҳисса қўшган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини кенг ёритишга эътибор қаратиш таклиф этилди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д. Ғуломова, бир қатор вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари иши билан шуғулланувчи ўринбосарлари, Тошкент вилояти туманлари ва шаҳарлари ҳокимларининг ўринбосарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

КИМ ҚАНЧА ПЕНСИЯ ОЛАДИ?

Сўраган эдингиз

«ИСТИҚЛОЛ йиллари ичида мамлакатимизда пенсионерлар, уруш қатнашчилари, ногиронлар, кўп болали оналарни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилди. Президентимизнинг шу йил 1 июлдан бошлаб «Иш ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорини ошириш тўрисида»ги 1997 йил 6 май фармони яна бир ғамхўрлик тимсолидир. Мазкур фармон асосида пенсия қай тартибда белгиланаётгани ҳақида маълумот бер-сангиз.

Мираҳмат МИРЗААҲМЕДОВ, Тошкент тумани».

Шу кунларда барча ижтимоий таъминот бошқармалари, уларнинг шаҳар ва туманлардаги бўлимларида пенсияларни қайта ҳисоблаб чиқиш, ҳужжатларни расмийлаштириш жадал давом этмоқда. Биз газетхонлар илтимосига кўра ана шу жараёндаги ишлар қандай бораётгани хусусида Тошкент вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи Нажим НАЗИРОВ билан суҳбатлашдик.

— Нажим ака, ҳар сафар пенсиялар миқдори ошганда ижтимоий таъминот ходимлари иши обдон кўпаяди. Чунки, бериладиган пуллар қайта ҳисоблаб чиқилади. Бу гал ташкилий тадбирлар қай тарзда йўлга қўйилди?

— Биз бу ишга уюшқоқлик билан киришдик. «Инсон манфаатлари йили» деб ҳисобланган 1997 йил руҳининг ўзи шуни тақозо қилмоқда. Қайта ҳисоблаш билан боғлиқ ишларни бошлашдан олдин мутахассисларимиз ўзлари биркитилган барча шаҳар ва туманларда бўлиб, аҳолини фармондан тўлиқ хабардор қилиш билан бирга, пенсия қай тарзда белгиланиши ҳақида ҳам маълумотлар бердилар.

Маълумки, Фармонга мувофиқ энди-ликда энг кам иш ҳақи ойига 750 сўм. Ёшга доир пенсиянинг энг оз миқдори ойига 1400 сўм, болалигидан ногиронлар учун нафақалар миқдори 1400 сўм, зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар учун нафақалар миқдори ойига 850 сўм қилиб белгиланди. Жойларда бўлганимизда бу рақамлар ҳақида гапирар эканмиз, **барча турдаги пенсиялар миқдори пенсионерларнинг ҳозирги олиб турган пенсиялари миқдорига қараб эмас, балки, меҳнат стажи ҳамда ўртача ойлик маошига қараб, ўртача бир ярим фоиз ошишини тушунтирдик.**

— Гапингизга қараганда, бу фармоннинг ўзига хос хусусияти борга ўхшайди. Мабодо бўлса, у нималарда ўз ифодасини топади?

— Чиндан ҳам бор. Пенсия миқдорини белгилаш тизимида бу яққол кўзга ташланади. Мазкур фармонга кўра ўн, ҳатто, ундан ҳам кўпроқ йил аввал пенсияга чиққанларнинг пенсия миқдорини бирмунча бўлса-да, бундан уч-беш йил аввал чиққанларники даражасига етказишни кўзда тутиб, шу иш қилинмоқда. Яна қайтараман Фармонда гап пенсияларни шунчаки тарзда бир ярим фоиз ошириш ҳақида эмас, ўртача бир ярим фоиз ошириш ҳақида боряпти. Бу талабга кўра пенсияларни қайта ҳисоблаш, уларнинг турига қараб, ўртача ойлик маош асосида 6 гуруҳ бўйича амалга оширилмоқда.

— Мисолларга тўхталишингиз мумкинми?

— Айтайлик, бир вақтлари жамоа хўжалигида ишлаган пенсионернинг ўртача ойлик маоши 500 сўм бўлган. Ортиқча меҳнат стажи 10 йил. У кишининг энг кам пенсияси ҳозирги фармонга кўра 1400 сўм. Кафолатланган ана шу пенсияга унинг ортиқча ишлаган ўн йили учун энг кам иш ҳақи 750 сўмнинг 10 фоизи — 75 сўм ҳам қўшилади. Яъни 35 йил ишлаган бу пенсионер 1475 сўм пенсия олади. Ёки ўртача ойлиги 3850 сўм бўлган пенсионер пенсиясининг ўзгаришига ҳам назар ташлайлик. Унинг меҳнат стажи 45 йил бўлсин. Шу ҳолатда унга 2887 сўм 50 тийин пенсия тайинланган. Ўртача маошни бир ярим фоизга кўпайтирсак, у 5775 сўм бўлади. Лекин, Ўзбекистон Республикасининг **«Фуқароларни давлат пенсияси билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунига кўра пенсия белгилашда ўртача ойлик иш ҳақи энг кам иш ҳақининг етти баробаридан ошмаслиги керак,** дейилган. 1997 йил 1 июлдан эса энг оз иш ҳақи 750 сўм бўлганлиги учун 750x7=ўртача ойлик маош 5250 сўмдир. Бу кишининг пенсияси шу йил 1 июлдан бошлаб ўртача ойлигининг 75 фоизи миқдорида 3937 сўм 50 тийин қилиб белгиланди.

— Кўп болали оналар пенсияси тўғрисида нималар дея оласиз?

— Кўп болали онага тўланадиган пенсияларни тайинлашда ҳам ўзгаришлар бор. Масалан, меҳнат стажи 30 йил бўлганда, ўртача ойлик 1900 сўмни ташкил этса, пенсия 1125 сўм белгиланган ва унга ортиқча меҳнат стажи учун тўланадиган 190 сўм ҳам қўшилиб, 1315 сўм бўлган эди, 1997 йил 1 июлдан бошлаб ўртача ойлик 1,5 марта ошиши муносабати билан бу кўрсаткич 2850 сўмни ташкил этади. Бунда ўттиз йиллик иш стажи учун мазкур ойликнинг 65 фоизи миқдорида пенсия белгиланади ва 1852 сўм 50 тийин пенсия тўланади.

Шуни айтиш керакки, баъзи пенсионерларнинг ҳозирги кунда олаётган пенсия миқдорлари 1,5 баравар оширилса ёки 1996 йил ҳолатигача бўлган иш ҳақларини 1,5 бараварга оширилиб, пенсия миқдори ҳисобланса, ҳар икки ҳолда ҳам пенсия миқдори ўзгармайди. Масалан, меҳнат стажи 40 йил (ўзи 25 йил талаб қилинади), ўртача ойлиги 2550 сўм бўлган пенсионер ҳозир 1785 сўм — (ўртача ойлигининг 70 фоизи миқдорида) пенсия олмоқда. 1997 йил 1 июлдан бошлаб унинг 1,5 фоиз ошган ўртача ойлиги 3825 сўм бўлади. Пенсия эса 2677 сўм 50 тийинни, яъни 3825 сўмнинг 70 фоизини ташкил этади.

— Фахрий унвон эгаларига пенсия қандай белгиланади?

— Буни ҳам мисол асосида тушунтирмоқчиман. Айтайлик, фахрий унвон эгасининг меҳнат стажи 40 йил бўлсин. Ўртача ойлиги 2600 сўм. Айни пайтда у уруш қатнашчиси бўлса, шу ҳолатда бу пенсионер ҳозирги пайтда 2480 сўм пенсия олаётган бўлади. Аниқроғи, пенсияси 1820 сўм-ку, лекин унга унвони учун 360 сўм, уруш қатнашчиси бўлганлиги учун 300 сўм қўшилган эди.

1997 йилнинг 1 июлидан бошлаб бу пенсиянинг миқдори 3555 сўм бўлади, яъни бугунги кундаги олиб келаётган пенсия миқдори ҳеч қандай қўшимчаларсиз 1820x1,5=2730 сўм+фахрий унвон учун 450 сўм, уруш қатнашчиси бўлганлиги учун 375 сўм тарзида бўлади. Ёки бугунги кунда мазкур пенсионернинг пенсия миқдори 43,3 фоизга кўпаяди.

— Кўриниб турибдики, бу сафар сизларнинг зиммангизда вазифалар анча кўп экан. Бажаришда қийинчиликлар бўлмаяптими?

— Инсон манфаати йўлида қилинадиган ҳар бир иш у қанчалик мураккаб бўлмасин, кишига куч-қувват, руҳ бағишлайди. Ходимларимиз вилоятимиздаги 297 минг нафар пенсионернинг топшириқномаларини, яъни ҳужжатларини, 35 мингдан кўпроқ болалар ва оналар нафақалари билан боғлиқ ҳужжатларни қайта кўриб, уларни ўз вақтида тўловларга ҳозирлаб қўймоқдалар. Ўйлаймизки, Фармонда таъкидланганидек, биз ўз бурчимизни адо этиб, пенсионерлар, нафақа олувчиларнинг барча талаблари, эҳтиёжларини қаноатлантиришга муваффақ бўламиз.

Суҳбатдош Саидвали ҲАСАНОВ.

ЁШЛАРГА КАМАРБАСТАМИЗ

«НУРОНИЙ»НИНГ ҚУЙИ БЎҒИНЛАРИДА

ТОШКЕНТ вилоятида 250 минг, Қибрай туманида эса 20 минг нафар нафақадор бор. Уларнинг мамлакатимиз бўйича 954 та кичик корхонаси, компьютер маркази ишлаб турипти. Қибрай туманини беҳуда тилга олмадик, чунки, бу ерда нуронийлар барчага ўрнак кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Ўтган йили улар фермер хўжалигида 200 тонна гўшт етиштириб, 100 тоннасини фахрийларга арзон баҳода сотишди. Бу йилги режалари янада улкан. Туман «Нуроний» жамғармаси раиси Жўра Хоназаров ўз сафдошларини, Президентимиз Ислом Каримов шу йил 7 майда иккинчи жаҳон уруши фахрийларини қабул қилганда улар олдига қўйган дастурий тавсиялар юзасидан бўладиган йиғилишга чорлади. Бундай йиғилиш республикамизда илк бор ташкил қилинди. Йиғилиш, шунчаки, хўжакўрсинга ўтказилмаслиги керак деб ҳисоблаган Ж. Хоназаров фаолларни тўплаб, очиқ-ойдин гаплашишни режалаштирди. Чунки, «мен ёшимни яшаб, улуғлар сафидан жой олдим, энди соқолимга қараб, ёшлар ҳурмат қилсин» дейдиган қариялар ҳам оз эмас. Лекин, ана шу нуронийнинг ҳам ўз бурчи, масъулияти бор.

Анжуманда республика «Нуроний» жамғармаси раиси Бектош Раҳимов, «Нуроний» жамғармаси Тошкент вилоят бўлими бошқаруви раиси Нуъмон Насимов, ёзувчилар Иброҳим Раҳим ва Пирим-қул Қодировлар иштирок этишди.

— Бизни қўллаб-қувватлаб, фарзандлик бурчини ўтаётган Тўйчи Ортиқов, Зиёдулла Маҳмудов, Абдуваҳоб Йўлдошев, Дилором Мухторова сингари кишиларга нима учун раҳматнамалар билдирмаслигимиз керак. Шунингдек, Баҳром Сиддиқов, Абдуқаҳҳор Абдуазимов каби бизга кўмаклашмаганларнинг ҳам номларини айтиб, уларни ҳам кексаларга яқиндан ёрдам берувчилар сафига тортишимиз наҳотки мумкин эмас. Албатта, мумкин. Азизлар, қарилик ҳаммага насиб этсин. Барча инсоннинг умри узоқ бўлиб, бизга қуриб берилган соғломлаштириш масканларида дам олиб юришсин, илоё. Аммо, зинҳор-базинҳор қариялар хор қилмасин. Муҳтарам, нуронийлар, сиз ҳам бурчингизни унутмаслигингизни сўрайман. Яъни аввало, фарзандларингизни, невара-чевараларингизни, сўнгра маҳаллакўйдаги ёшларни шу азиз Ватанни севишга, ардоқлашга, унинг янада обод бўлишини таъминлашга ўргатишимиз лозим, — деди Жўра Хоназаров.

— Биз ташаббус кўрсатишимиз керак, токи бу ёшларга ўрнак бўлсин. Бу борада Президентимиз нуронийлар учун ҳар қанча ёрдам зарур бўлса аяганини йўқ. Ҳурматимизни жойига қўйиб, иккинчи жаҳон урушида бедарак йўқолганлар ва вафот қилганларнинг «Хотира» китобини яратишга катта маблағ ажратиб, унинг бепул тарқатилишини таъминлади. Уруш қатнашчиларига «Жасорат», ҳамда «Шуҳрат» медаллари тақдим этилди. Ҳозир эса, биз нуронийларнинг алоҳида жамғармамиз ташкил топди. Бунда ҳам Президент Ислом Каримов ва ҳукуматимизнинг бизга эътибори ниҳоятда юксак эканлиги акс этиб турибди, демак, биз ҳам ўз навбатида мустаҳкам иродамиз, атрофдагиларга насиҳатимиз, намунамиз, ақл-идрокимиз билан бурчимизни бажаришимиз шарт. Чунки, дўст оғир пайтда билинади, дейдилар, айни бозор иқтисодиётига ўтиш, мустақилликни мустаҳкамлаш чоғида, Ватанимизнинг кекса авлоди сифатида биз, сафларда камарбаста бўлиб ёшлар билан ён-ма-ён туришимиз лозим, — деди республика «Нуроний» жамғармаси раиси Бектош Раҳимов.

— Пешонамизга озодликни кўриш насиб этганига шукур. Энди бу мустақилликнинг қадрига етайлик. Ёшларни ота ва онани ҳурматлашга, эъзозлашга ўргатайлик. Негаки онага қараб сажда қилиш мумкин, ахир, она тили, Она-Ватан, она ер иборалари дабдурустдан дунёга келмаган, — деди ёзувчи Иброҳим Раҳим.

Уруш қаҳрамони Ғулом Каримов, жанг тафсилотлари, шу кунлардаги тарбия тўғрисида гапириб, шундай деди:

— Оила бошлиғи тарбияни ўз оиласидан бошласин. Мен 80 ёшга кирдим, мабодо, невара-чеварамми, ўғлимми бирортаси ножўя иш қилишини билсам, қаттиқ койиб, сўзимни ўтказаман, эгиб қўяман. Буни, албатта, мулойим йўл, ширин тил билан, бироқ, таъсирчан оҳангда гапираман. Шундай, оилалардан нопок, хиёнаткор одамлар чиқмайди.

Уруш қаҳрамони Олим Ҳакимов икки дақиқа сўзлашга имкон сўраб, шундай деди:

— Каминанинг ёши ҳам 80 да. Лекин, вужудим тетик, руҳим бақувват. Азиз юртдошлар, ёшлар — Ватанни севиши керак, унга жонни фидо этишга ҳам ҳозир туриши лозим. Биз кўпмиз, шу кўпчилик бирлашсагина Ватанни, биттагина Ватанни асраб-авайлаб, келажак авлодга топширишимиз мумкин.

Анжуманда қатнашган 100 ёшлик Ориф ота Бобокалоновнинг бардам, тетик чеҳраси ҳамманинг ҳавасини келтирди. Илло, Ориф отага кўз тегмасин, юртимизнинг ҳар бир фуқароси шу табаррук инсоннинг ёшига етиб, мамлакатимиз равнақининг тирик гувоҳлари бўлиб юришсин.

Йиғилишдан сўнг республика «Нуроний» жамғармаси раиси Бектош Раҳимов Байтқўрғонда ишга туширилган 36 ўринли фахрийларнинг соғломлаштириш масканини бориб кўрди.

Юқорида биз сўзга чиққанларнинг гапларидан айрим лавҳаларни келтирдик. Бу бежиз эмас, негаки, анжуман шунчаки хўжакўрсинга ўтказилмади. Унда нотиқлар чин дилдан гапирганликлари, тингловчилар ҳам юракдан чиқаётган сўзларни юрак билан қабул қилаётганликлари сезилиб турди. Унда яна бир нарсани илғадик. Отахонларимиз ўз ўрнини, ўз вазифа ва бурчларини яхши англайдилар. Диёнат эса айнан ёши улуғларнинг улуғликка хослигида, ёшларнинг «Қани мен ҳам Ориф ота, Ғулом ота, Олим отадек қарисам» деган орзуларидадир. Чунки, бобокалонларимиз юзларидан пур ҳикмат ёғилиб турарди.

Тўлқин ЁРҚУЛОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



ПОСБОНЛАР ҲАМ КЎЙЛАЙДИ

«Ўзбекистон — қўшиқ байрами»

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг олти йиллигига бағишланган қўшиқлар кўрик-танлови тобора жўшқин тус олиб бормоқда. Турли касб эгалари бўлмиш ҳаваскор санъаткорлар она-юрт буюклиги, Ватанга муҳаббат, истиқлол бахти туйғулари билан йўғрилган қўшиқларни дилдан маҳорат билан ижро этмоқдалар.

Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимларининг «Ўзбекистон — қўшиқ байрами» республика II-кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда республикамиздаги барча вилоятларда ғолиб чиққан хонандаларнинг 40 дан зиёд қўшиқлари тингланди.

Танловнинг иккинчи куни ҳаммани ҳаяжонлантирган лаҳзалар бошланди. Республика халқ ижодиёти маркази раҳбари; кўрик-танлов ҳайъати раисининг ўринбосари Деҳқонбой Ҳусанов ғолибларни эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлар бошқармасига қарашли «Турон юлдузлари» бадиий жамоаси ижро этган «Мардона-мардона» қўшиғи фахрли биринчи ўринни эгаллади. Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси ходими, милиция катта лейтенанти Дилнура Қутлимуродованинг «Ватан яғона» ҳамда Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси хизматчиси Назира Раҳматованинг «Муқаддас саждагоҳ» қўшиқларига иккинчи ўрин берилди. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ходими, ички хизмат лейтенанти Қувват Шарипов қўйлаган «Ўзбекистон» ва Тошкент шаҳар ИИБ Давлат автомобиль назорати хизматчиси Бахтиёр Иброҳимов айтган «Нурли манзил посбонларимиз» қўшиқлари учинчи ўринга муносиб деб топилди. Шунингдек, танлов совриндорларига ҳам вазирликнинг махсус диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди. Биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар тўғридан-тўғри республика қўшиқ танловида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Ҳа, бундай кўрик-танловлар ҳеч муболағасиз санъатсевар халқимизнинг ижодий сарчашмаларини булоқ кўзидек очиб бормоқда. «Ўзбекистон — қўшиқ байрами» кўрик-танловининг бу сафарги босқичи ҳам ана шундан далолат бериб турипти. Бундай танловларни анъанага айлантириш, оммавий қўшиқ байрамлари ўтказиш янги истеъдодларни юзага чиқаришда кўмак беражак.

Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА.

Маънавиятимиз сарчашмалари

• Ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги олдидан

ШАРИФЛИК ШАРАФИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан келаси йил мамлакатимизда буюк муҳаддис Имом Ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги нишонланади. Шу муносабат билан аллома абадий қўним топган Хартанг қишлоғидаги зиёратгоҳ қайта таъмирланиб, яхлит муҳташам меъморий мажмуа бунёд этилади. Бу мажмуа бутун Ислом оламида Ҳадис илмининг йирик марказига айланади.

Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий ҳижрий 194, милодий 810 йили Бухорода дунёга келди. У ёшлигидаёқ отадан етим қолиб, она қўлида катта бўлди. Ўн ёшидаёқ араб тили ва ҳадис китобларини ўқиш ҳамда ёд олиш билан шуғулланди. Ўн олти ёшида онаси ва акаси билан ҳаж сафарига борди. Ҳаж маросимлари якунлангач, онаси ва акасидан руҳсат сўраб, ҳадис тўплаш мақсадида Маккада қолди. Ўн саккиз ёшида саҳобалар ва уларнинг ишларини давом эттирувчилар ривоят қилган ҳадисларини тўплаб, «Тарих» номли китоб ёзди. Сўнгра янги ҳадислар тўплаш мақсадида бир қанча мамлакатларда, жумладан, Сурия, Миср, Басра, Куфа, Ҳижоз каби ўлкаларда бўлиб, кўплаб таниқли муҳаддислар билан танишди, улардан эшитган ҳадисларини ўз китоби «Ал-жоми, ал-саҳиҳ» (Ишончли тўплам)га киритди.

Айни чоқда «Саҳиҳи Бухорий»дан ташқари тарих ва бошқа илмларга доир йигирмага яқин асар ёзди. Булар орасида «Ал-адаб ал-муфрад» (Адаб дурдоналари) китоби алоҳида ўрин эгаллайди. Бу китобга ахлоқ ва одоб борасидаги энг пурҳикмат, энг ишончли ҳадислар киритилган бўлиб, улар бугунги кунда ҳам мўмину мусулмонларни иймон-эътиқодли, одамларга нисбатан меҳр-мурувватли бўлишга даъват этмоқда.

Бухорийшунос уламою кираморларнинг далолат беришларича, улуғ имом табиатан ўта мулойимлиги, тақводорлиги, жувонмардлиги, айниқса қувваи ҳофизаси кенглиги билан замондошларининг меҳрини қозонган. Бир бор ўқилган китоб, бир бор эшитилган ҳадис ул зотнинг хотирасида бир умр сақланиб қолган. Аллома юзлаб ровийлардан ҳадис тинглаган. Жами 600 мингта ҳадис тўплаб, шулардан юз мингтаси «саҳиҳ» ва икки юз мингтаси «ғайри саҳиҳ» эканини аниқлаган, уларни ёд билган. Шунинг учун ҳам у бутун мусулмон оламига «Имомлар имоми», «Ҳадис илмининг пешвоси», «Ҳадис илмининг султони» бўлиб танилган. Ўша даврнинг таниқли муҳаддисларидан бири Амир ибн Ҳаллос Ал-Бухорийга маълум бўлмаган ҳадис, албатта, ишончли ҳадис эмас, деганида ватандошимизга берилган юксак баҳо зоҳирдир.

Буюк ватандошимиз Бухорога қайтиб, бир мунча вақт толиби илмларга ҳадисдан дарс берди. Сўнгра ҳижрий 256, милодий 870 йилда яна йўлга отланди. Бу унинг сўнгги сафари бўлди. Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғига яқинлашганда аъзойи баданида хорғинлик сезди. Шу сабабли бу ердаги қариндошларидан бирининг уйига тушди. Бетоблик кучайиб рамазон ойининг сўнгги кунида оламдан кўз юмди. Тақдири азал жаноб пайғамбаримизнинг муборак ҳадиси шарифларини тўплаш мақсадида умрининг кўп йилларини сафарда ўтказган зотга шу шарафли йўлда вафот этишни раво кўрди. Эртаси ҳайит куни жаноза ўқилиб, имомни шу ердаги қабристонда тупроққа топширдилар.

Вақт ўтиши билан ҳадис илмининг пешвоси абадий қўним топган манзил бутун Туркистон халқларининг Хўжа Исмоил масжиди номи билан машҳур зиёратгоҳига айланди. Афсуски, мустабид Шўро тузуми даврида бу қутлуғ даргоҳнинг атрофи шох-шаббалар билан ўралиб, кераксиз темир-терсаклар, қишлоқ хўжалик машиналари учун ёқилғи-мойлаш материаллари, ўғит сақланадиган омборга айлантирилди. Унинг асарлари, ҳатто номини тилга олганлар аёвсиз таъқиб қилинди. Минг шукрки, истиқлол туфайли Ал-Бухорийнинг қутлуғ номи қайта тикланди, унинг «Ас-саҳиҳ», «Ал-адаб ал-муфрад» каби бутун ислом оламида аллома тириклигидаёқ мўътабар манба сифатида қадр топган асарлари ўзбек тилида чоп этилиб, халқимизнинг маънавий меросига айланди. Муборак зиёратгоҳ қайта таъмирланиб, эшиклари бутун дунё аҳлига кенг очиб қўйилди. Юбилей муносабати билан бу ишлар беқиёс кўлам касб этмоқда.

Имом Ал-Бухорийнинг тўрт жилдлик «Ҳадис»лари, бир жилдлик «Ал-адаб ал-муфрад» китоби ва бошқа асарларини мутолаа қилар эканмиз, улуғ алломанинг авлодларга нақадар беқиёс маънавий-маърифий мерос қолдирганлигининг гувоҳи бўламиз. Уларда сарвари олам Муҳаммаднинг инсон ва жамият ҳаётининг барча соҳаларига доир каломлари жамланган.

Инсоннинг яшашдан мақсади, умрнинг маъною моҳияти ифодаланган айрим ҳадисларни келтирамиз. Модомики, одам дунёга келар экан, дейилади уларда, аввало, Худо бир, Расули барҳақ эканини дилда жо айлаб, ҳалол яшаши ва ҳалол меҳнат қилиши даркор. Зеро: «Ҳеч ким ўз қўли билан топган ризқдан кўра лаззатлироқ таом емаган. Оллоҳнинг пайғамбари Довуд алайҳиссалом ҳам ўз қўлларининг меҳнати билан тириқчилик қилганлар». Баъзаз инсон ота-онаси, аҳли аёли, қариндош-уруғи, қолаверса, бутун қавмига меҳр-оқибатли бўлмоғи лозим. Зотан, «кимки ризқи улуғ бўлмоғини ёки номи узоқ вақт сақланмоғини истаса, қариндошуруғларига яхшилик (ҳайр-эҳсон) қилиб турсин», яна бир муҳим бурч — у ҳар қандай шароитда ҳам ўзидан кейин ҳайрли из қолдиришга ҳаракат қилсин. Чунки, «Расуллуллоҳ: «Биронтангиз экиш учун қўлингизда бир кўчатни ушлаб турган вақтингизда қиёмат қойим бўлиб қолса-ю, қиёмат қойим бўлишидан илгарироқ уни экиб олишга кўзингиз етса, албатта экиб қўйинг, — деганлар».

Маълумки, савдо-сотиқ, тижорат жамият тараққиётининг муҳим омили бўлиб келган. Тўжжорларнинг саъй-ҳаракатлари билан юрт обод, эл фаровон бўлган. Аммо тўжжорликнинг ҳам ўз тартиб-қоидалари бор. Бунда асосий мезон - халол савдо-сотиқ қилиш, харидорнинг ҳақига ҳиёнат қилмаслик. Расуллуллоҳ бу ҳақда мана бундай деганлар: «Бозорга мол олиб келаётганларнинг йўлини тўсмангизлар, биродарларингизнинг (пишиб турган) савдосини бузмангизлар, атайлаб нарх-навони оширмангизлар, шаҳарликлар қишлоқдан келганларнинг молини арзон-гаровга олиб қимматга сотмасинлар... «молни тўлиқ ўлчаб берингизлар», «молнинг баҳосини суньий оширувчи одам судхўр, хоин ва алдамчи бўлиб, топгани ҳалол эрмас». Аёнки, бу ўгитлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Буюк бобокалонимиз Оллоҳнинг иродаси билан унинг расули Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларини келгуси авлодларга етказди. Шу боис унинг ўзи ҳам шарифликка муяссар бўлди. Ватандошимиз бизнинг доруломон замонамиздагина юртида ўзининг ҳақиқий қадрини топди. Шу маънода, унинг таваллуд тўйининг кенг миқёсда нишонланиши ғоят катта рамзий аҳамиятга эгадир. Зеро, беназир илм соҳиби имом Ал-Бухорий ҳар қанча меҳр ва эъзозга муносибдир.

Ёқуб ИБРОҲИМОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. (ЎзА).

Қадимий Бухоро манзаралари. Даврон АҲМАД олган сурат.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

● ТЕМИРЙЎЛЛАР ҳамкорлиги ташкилоти вазирлар кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов табрик йўллади. Бу ташкилотга Осиё, Оврупо ва Америка қитъаларидаги 24 давлат аъзо ҳисобланади. Навбатдаги 25-сессияда чегара, божхона, юк ташиш, нақлиёт услуботлари, темирйўл воситаларидан фойдаланиш ҳамда техникавий шарт-шароитлар сингари масалалар кўриб чиқилди.

● «ТОШКЕНТ авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамиятига «ИЛ—114» самолётларини ишлаб чиқариш ҳамда «ИЛ-76 ТД» тайёраларини қайта таъмирлаш ҳуқуқини берадиган халқаро сертификатлар топширилди.

● ЕР КУРРАСИ бўйлаб саёҳат қилаётган франциялик Эрик Беале ва Натали Куш шу ҳафтада мамлакатимизга етиб келдилар. Италия, Греция, Туркия, Албания, Босния, Хорватия, Грузия, Озарбайжондан сўнг улар Ўзбекистон худудини кесиб ўтдилар. Энди уларнинг йўли Хитойга тушади.

● ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «Динамо» теннис мажмуида профессионал аёл теннисчиларнинг иккинчи халқаро челленжер турнири бошланди.

ВОҚЕАЛАР ТЎЛҚИНИДА

◆ ЎТГАН сешанба куни Москва ички ишлар бошқармасига кимдир қўнғироқ қоқиб, РФ президенти Б. Н. Ельцинга нисбатан суиқасд уюштирилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди. Айтилишига қараганда, бу сафаргиси президентга нисбатан суиқасднинг тўртинчиси эмиш. Зудлик билан ўтказилган текширувлар «қўнғироқ»нинг жиддий эмаслигини кўрсатди.

◆ Қирғизистон президенти Асқар Акаев Жанубий Кореяга ташриф буюрди. У ерда ҳар иккала давлат ўртасида амалга оширилиши мўлжалланган иқтисодий масалаларга доир истиқболдаги режалар муҳокама этилди.

◆ РУМИНИЯНИНГ Констанса шаҳрида Руминия президенти Эмил Константинеску билан Украина президенти Леонид Кучманинг учрашуви бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида айрим эски худудий можаролар муҳокама этилди. Натижада, Руминия Украинага нисбатан ҳеч қандай даъволари йўқлигини изҳор этди. Шарҳловчиларнинг фикрича, бундай ҳолат Руминиянинг НАТО таркибига киришини осонлаштиради.

◆ ХИТОЙ Халқ Республикаси мудофаа вазири Чи Хаотянь бир неча кун бурун Беларус пойтахти Минскда бўлди. У президент А. Лукашенко билан мулоқот чоғида Хитойнинг мазкур мамлакатдан ҳарбий қурол-аслаҳалар сотиб олиш ниятлари борлигини айтди.

◆ АФҒОНИСТОНДАГИ қуролли тўқнашувлар давом этмоқда. Муваффақиятсизликка учраётган «толибон»чилар аламини кимдан олишни билмай, Эроннинг Қобулдаги элчихонасини ёпиб қўйиш тўғрисида фармойиш бердилар. Шунингдек, улар нафас ростлаш мақсадида бўлса керак, ўз душманлари билан муваққат сулҳ тузиш саъй-ҳаракатларини ҳам бошлаб юбордилар.

БИЗНИНГ ШАРҲ

ЯНА... МУРОСА-Ю МАДОРА

ҲАР БИР мамлакатдаги сайловлар — хоҳ у президент ёхуд парламент сайловлари бўлсин — давлат, халқ, келажак тақдирига таъсир этмай қолмайди. Чунки, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий йўналишлардаги ўзгаришлар баайни овоз беришда ғалаба қозонган шахслар, партиялар, оқимлар дастурларига, уларнинг одамлар олдида берган ваъдаларига бевосита даҳлдор бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Францияда ўтказилган сайловлар ҳамиша ўзига хослиги билан ажралиб турган.

Ушбу ҳафтада бу ерда бўлиб ўтган парламент сайловлари кутилмаган натижаларга олиб келди. Бу ҳолат хорижий давлатларни ҳам бир қадар «ҳайрон қолдирди». Президент Жан Жак Ширакнинг «қош қўяман деб, кўз чиқарганлиги» маълум бўлди.

Гап шундаки, Ж. Ж. Ширак икки ой чамаси бурун, парламентни тарқатиб юбориш, янгитдан сайловлар ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган эди. Бу билан у бўлажак президент сайловлари олдидан Миллий Ассамблеяда мутлақ кўпчиликка эга бўлиб оламан, деб ўйлаган эди. НАТО билан Россия ўртасидаги Асосий тамойиллар далолатномасининг Парижда имзо чекилиши борасидаги ташаббуслар ҳам президентга катта обрў келтиради, деб тахмин қилинганди. Лекин, минг афсуски, гап бошқа-ю иш бошқа бўлиб чиқди. Қўйилган қалтис тузоққа давлат бошлиғининг ўзи тушиб қолди.

Душанба куни эълон қилинган сайлов натижалари «портлаган бомба»ни эслатди. Ж. Ж. Ширак раҳнамо бўлган ўнг партиялар иттифоқи, оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас, бирданига 227 ўрин йўқотди. Эндиликда улар 484 ўрнига Миллий Ассамблеяда атиги 257 мандат эгаси бўлдилар (парламентда жами 577 ўрин бор). Шу тариқа ўнг партияларнинг «қуёши» бота бошлади. Сўл партиялар эса 319 ўрин соҳиби бўлдилар. Шу жумладан, социалистларнинг маслакдошлари — коммунистлар 38, «Сабзалар» 7, майда сўл партиялар 19, миллий фронт 1 ўринни банд этдилар. Францияда тамойилга айланган қонунчиликка биноан энг кўп овоз олган партия ёки иттифоқ ҳукумат тузиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай ҳуқуқ бу сафар социалистик партия раҳбари Лионель Жоспенга насиб этди.

Хўш, Елисей саройининг ҳозирги хўжайини Ж. Ж. Ширак энди нима қилади? У ўзининг янаги йилда муддати тугайдиган вақтигача сўл партиялар билан муроса қилишга ва «бирга ишлашга» мажбур бўлади. Ана шундан кейингина парламент тарқатиб юборилиши мумкин.

Бундай муроса-ю мадора ҳолатлари Франциянинг аввалги президентлари — Шарль де Голь, Жорж Помпиду, Жискар де Эстьен, Франсуа Миттеран сингари арбоблар даврида ҳам юз берган. Аммо, улар бундай вазиятларда усталик билан иш кўрганлар, оқилона келишувларга эришганлар. Ж. Ж. Ширак қандай йўл тутаркин? «Либерасьон» газетасининг таъкидлашича, «ҳозирча президентнинг боши бироз қотиб турипти».

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

◆ ЛИТВА ва Беларус ерлари туташ. Чегарачилар ҳақида анчадан бери турли хил мишмишлар юрар эди... Мана, иккита «ВАЗ» машиналари юклари билан Беларус томон йўл олдилар. Уларни тўхтатган чегарачилар, бўлар-бўлмас баҳоналарни қалаштириб, 60 доллар беришни талаб қилдилар. Лекин... Пул олаётган пайтларида қўлларига дафъатан кишан солинди.

◆ БИР ҳафтада камида икки марта балиқ истеъмол қилган одамнинг инфаркт хасталигидан ўлиши 44 фоизга камаяди. АҚШдаги Шимолий-Ғарбий дорилфунун олимлари 40 йиллик тадқиқотлардан сўнг ана шундай хулосага келдилар.

◆ ХИТОЙДАГИ Фуян шаҳри партия қўмитаси котиби Чжоу Баохуа амал лавозимлари билан очиқдан-очиқ савдо қилишни анчадан буён бошлаб юборган экан. Қўрғон ёхуд қишлоқ оқсоқоли «амал курсиси» 10 минг юань (1200 доллар) деб баҳоланган. Ундан каттароғига каттароқ пул талаб этилган. «Ким ошди» савдосидан Ч. Баохуанинг 420 минг юань орттирганлиги аниқланди. Бироқ, у қўлга тушиб, умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилди.

◆ ШИМОЛИЙ Қозоғистон вилоятининг ички ишлар ходимлари 145 килограмм қора дори олиб кетаётган қарағандалик икки кишини қўлга туширдилар. Мусодара этилган «ўлжа»нинг нархи камида 70 минг доллар деб, тахмин қилинмоқда.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 9

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Бастакор Энмарк Солиҳов».
9.00 «Изланиш самаралари». Публицистик кўрсатув.
9.30 «Илм — ўзликни билмакдир...».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Л. Устинов. «Ўрмон қўшиғи». Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
10.55 «Истиқболга интилиб». Публицистик кўрсатув.
11.15 «Кел, дўстлашайлик», «Ғаройиб бочка». Мультфильмлар.
11.30 «Ҳуқуқий давлат сари».
11.50 «Муножот». Фильм-концерт.
12.30 «Мимино». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.25 «Диёр». Тележурнал.
18.45 «Тадбиркорлар клуби».
19.05 «Катта танаффус» янгиликлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Олтин мерос». Мумтоз наволар.
21.35 «Маърифатнома».
22.10 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. «Бобур». Кўп қисмли видеофильм. 1-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
18.45 «Ғайритабиий олам».
19.00 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
19.20 «Услуб».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.15 Кундалик.
22.25 «Спорт қитъаси».
22.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.45 — 23.55 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.
*
17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Кругозор». Тележурнал.
*
21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Сўнгги ташриф». Бадиий фильм.
22.45 «Нон». Телефильм («Ўзбектелефильм»).
23.00 — 23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мульткарусель».
19.05 «Сўлғин синиқлар мактаби». Телесериал.
19.35 «Ҳазрати деҳқон».
19.50 Эълонлар.
19.55 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
20.45 «Жаҳон».
21.05 «Сўз — сизга».
21.20 «Авторейд».
21.30 «Ракурс».
22.00 «Спорт-тайм».
22.30 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
22.50 «Умид».
23.20 — 23.30 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 10

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Зангиота».
8.45 Биржа ва банк хабарлари.
9.05 «Олтин мерос». Мумтоз наволар.
9.20 «Сени кутаман». Мультфильм.
9.30 «Қирқ ҳунар ҳам оз...».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Бугуннинг ўйлари». Публицистик кўрсатув.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 «Абитуриент-97». Она тили.
11.00 Инглиз тили.
*
11.30 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. «Бобур». Кўп қисмли видеофильм. 1-қисм.
12.50 «Тараққиёт».
13.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Афросиёб» (Самарқанд) — «Нефтчи» (Фарғона).
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кувноқлар даврасида».
18.30 «Спорт, спорт, спорт».
18.45 «Тамойиллар».
19.00 «Олтин мерос». Абдуллажон Ғофуров куйлайди.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ҳазрати Инсон».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Маънавият. «Оҳанглардан таралган меҳр».
21.40 «Альманах-ТВ».
22.05 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. «Бобур». Кўп қисмли видеофильм. 2-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.45 «ТВ плюс...».
19.00 «Олтин кент».
19.15 «Мусиқий шарҳ».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ». Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
21.30 Эълонлар.
21.35 «Ракс жозибаси». Фильм-балет.
22.30 «Баҳодир». Телефильм («Ўзбектелефильм»).
23.00 — 23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мульткарусель».
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш дастури.
19.20 Эълонлар.
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.15 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
20.30 Эълонлар.
20.35 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
21.25 «Долзарб репортаж».
21.55 «Очиқ дарс».
22.25 «Янги иқтисод».
22.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.20 — 23.30 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 11

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Олтин мерос». Абдуллажон Ғофуров куйлайди.
8.50 «Альманах-ТВ».
9.15 «Ҳазрати Инсон».
9.35 «Ҳамкорлик ришталари».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Компьютер сабоқлари».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 «Абитуриент-97». Математика.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
*
11.30 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. «Бобур». Кўп қисмли видеофильм. 2-қисм.
12.55 «Замин фидойилари». Тележурнал.
13.20 «Алпомиш авлодлари». Кураш.
13.40 Маънавият. «Оҳанглардан таралган меҳр».
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...».
18.15 «Ўзбек аёлининг довруғи».
18.30 «Бахмалда бир кун...». Телерепортаж.
18.50 «Эстрада тароналари». Муҳаббат Ғофурова куйлайди.
19.10 «Тасаввур олами».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Шаҳар бедарвоза эмас...».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «15 дақиқа спорт ҳақида».
21.35 Бухоро — 2500. «Бухорои Шариф». 5-кўрсатув.
22.00 «Автоолам».
22.10 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. «Бобур». Кўп қисмли видеофильм. 3-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.25 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кундалик.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.45 «Зерикмай десангиз».
18.55 «Спорт қитъаси».
19.05 «Дойче-Велле» тақдим этади...
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.40 Кундалик.
22.50 «Зерикмай десангиз».
23.00 «Спорт қитъаси».
23.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.15 — 00.25 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.
*
6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт кўрсатуви.
*
21.00 — 21.35 Россия давлат телевидениеси.
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Ассалом, мусиқа!» (консерватория ҳақида навбатдаги ҳикоя).
22.10 «Севги ва доллар», «Истеъдод». Қисқа метражли бадиий телефильмлар.
23.00 — 23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульткарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Бизнен мирас».
20.00 «Спорт-лото».
20.10 Эълонлар.
20.15 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
21.05 «Дунё ва болалар».
21.25 «Автосалтанат».
21.35 «Азизим».
22.05 «Тошкентнома».
22.35 «Бу ажиб дунё».
22.55 «Экстремал ўйинлар».
23.45 — 23.55 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 12

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
8.55 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ҳаётимсан, футбол!».
9.35 «Оналар мактаби».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун «Кувноқлар даврасида».
10.30 «Абитуриент-97». Физика.
11.00 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. «Бобур». Кўп қисмли видеофильм. 3-қисм.
12.15 «Меҳр». Тележурнал.
12.40 «Ошиқ бўёқчи ҳақида эртак». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эҳтирос».
18.20 «Мусиқа ва шеърият».
18.40 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.05 «Билиб қўйган яхши».
19.15 «Омонлик тилаймиз!».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
21.40 «Иймон».
22.05 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. «Бобур». Кўп қисмли видеофильм. 4-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Хоразм» (Урганч) — «Навбаҳор» (Наманган).
00.40 «Мақом кечаси».
01.10—01.15 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Спорт қитъаси».
9.30 «Ғайритабиий олам».
9.45 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
10.05 «Услуб».
10.10 «Олтин кент».
10.25 «Мусиқий шарҳ».
10.35 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
10.50 «Акс».
11.10 «ТВ плюс...»
11.25 «Зерикмай десангиз».
11.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
11.55—13.25 «Кинонигоҳ».
* * *
18.00 Кундалик.
18.10 Бугун пайшанба дастурида.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.40 «Сувости дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Астероид». Фожиали фильм. 2-серия.
23.10 Кундалик.
23.20 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
23.40 «Спорт қитъаси».
00.10—00.20 Кундалик.

III

16.55 Янгиликлар.
*
6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.40 «Мусиқа ҳамма учун».
*
21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Қайсар қизнинг қуёлиши». Бадиий фильм.
23.00 — 23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульткарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Минг бир маслаҳат».
20.20 «02» тўлқинида.
20.35 Эълонлар.
20.40 «Эльдорадо». Телесериал.
21.10 «Жаҳон дурдоналари».
21.40 «Каталог».
21.50 «Шаҳрим — фахрим».
22.15 «Исроилга саёҳат».
22.35 «Интер-спорт».
22.45 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.10 — 23.15 «Хайрли тун!»

ЖУМА, 13

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Мақом кечаси».
8.55 «Юзма-юз».
9.15 Саида Зуннунова. «Қайнона». Теленовелла.
9.35 «Нуроний». Тележурнал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ҳаммаси маҳалладан бошланади».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 «Абитуриент-97». Биология.
11.00 Немис тили.
*
11.30 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. «Бобур». Кўп қисмли видеофильм. 4-қисм.
12.50 «Ҳаёт сабоқлари». Маърифий кўрсатув.
13.25 «Ўйла! Изла! Топ!» Телемусобака.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти юлдузлар».
18.30 «Биламиз-у, аммо...».
18.50 Бизнес ҳафта якунлари.
19.00 «Эртага — шанба».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Умидли дунё».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Ривоят».
21.40 «Олтин мерос». Шарқ тароналари.
21.55 «Таниш ва номаълум».
22.10 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. «Бобур». Кўп қисмли видеофильм. 5-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Ринг».
00.15 Тунги тароналар.
00.35—00.40 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.15 «Кўзмунчоқ».
9.35 «Қулгу дарғалари».
9.55 «Дубляж».
10.10 «Олтин кент».
10.25 «Жозиба».
10.40 « Зиндаги ёхуд муҳаббат».
11.05 Видео—»О».
12.35—13.05 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор экан-да, йўқ экан...»
18.50 Дилором наволар.
19.00 «Ханда дўкони».
19.20 «Бугун кино оқшомида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Сизлардан ишорат». Мусиқий дастур.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.40 Ёшлар дастури:
«Мулоҳаза учун мавзу».
«Спорт курраси».
«Камолот».
23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.20—00.30 «Даракчи».

III

17.35 Янгиликлар.
*
17.40 — 21.45 Россия жамоат телевидениеси.
*
21.45 «Бухоро зардўзлари». Телефильм.
*
22.05 — 22.35 Россия давлат телевидениеси.
*
22.35 Эълонлар.
22.40 «Музей». Телефильм («Ўзбектелефильм»).
23.00 — 23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульткарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
20.00 «Олам ва одам».
20.25 «Қанотлар».
20.45 Эълонлар.
20.50 «Эльдорадо». Телесериал.
21.20 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.50 «Монитор-Осиё».
22.15 «Рангинкамон».
22.45 «Жума куни, ишдан сўнг».
23.25 — 23.30 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 14

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
9.15 Бокс. Мустақиллик кубоги якунлари.
10.15 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. «Бобур». Кўп қисмли видеофильм. 5-қисм.

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

11.30 «Ёшлар билан».
12.00 «Баҳс».
12.25 «Хабарнома».
12.35 «Халқ оғзаки ижоди».
13.05 «Соат 12.00 да бошлиқ келади». Бадиий фильм.
14.20—14.50 «Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Исмлар тарихи».
18.40 «Донишнома».
18.55 Дилнавоз садолар.
19.05 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Рақслар гулдастаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.30 «Бизнес-академия».
21.40 «Азиз сиймолар». Ўзбекистон халқ артисти Маҳсум Юсупов.
22.10 Диққат, премьера: Ю. Розиков. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 37-қисм.

«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:

22.45 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.05 «Ганг, сувларинг лойқаланди». Бадиий фильм. 1—2- серия (Ҳиндистон).

II

9.00 «Бор экан-да, йўқ экан...»
9.15 «Телевидение ва театр».
9.35 Дилором наволар.
9.45 «Ханда дўкони».
10.05 «Сизлардан ишорат».
10.35 Ёшлар дастури:
«Мулоҳаза учун мавзу».
«Спорт курраси».
«Камолот».
11.25 «Кинонигоҳ».
12.55—13.55 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30 «Шанба тақвими».
18.35 «Кўзмунчоқ».
18.55 «Қулги дарғалари».
19.10 «Қўшиқлар жилоси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дармон».
20.10 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури.

21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Спорт қитъаси».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 Мишель Пфайфер «Куч, кўрқув ва ўлим» детектив фильмида.
23.50—24.00 «Даракчи».

III

16.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
17.00 — 22.55 Россия жамоат телевидениеси.
*
22.55 Эълонлар.
23.00 «Янги қасоскорлар». Телесериал (Англия).
23.50 — 00.05 «Мусаввир». Телефильм («Ўзбектелефильм»).

IV

9.00 Аэробика.
9.20 Кинонинг олтин асри. «Кондор». Бадиий фильм.
10.50 Эълонлар.
10.55 Шанба эртаги.
11.55 «Ракс қанотида».
12.25 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
13.10 Корейс тилини ўрганамиз.
13.30—15.10 «КВН-97».
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульткарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Шанба оқшомида».
20.05 «Спектаклдан сўнг».
20.30 Эълонлар.
20.35 Кинонинг олтин асри. «Фиръавн». Бадиий фильм.
21.45 Эсдалик учун дастхат. Болаларни ҳимоя қилиш кунида «Байрам» гуруҳининг хайрия шоуси.
22.15 «Словакия бугун».
22.30 «Хит-коллекция».
22.50 — 23.00 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 15

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Бугун якшанба дастурида».
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 «Кувноқ стартлар».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Бэмбининг ёшлиги». Болалар учун фильм.
12.05 Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 37-қисм.
12.40 «Катта танаффус». Телеўйин.
13.00 «Келгуси ҳафтада».
13.15 «Бир ўлка-ки...»
13.40 «Кўзларим йўлингда». Бадиий фильм.
15.10 «Ўзбекистон спорти».
15.25 «Тақвим».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Мультолам».
18.20 «Баҳодир Шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 2-қисм.
19.05 «Пойинтар-сойинтар».
19.15 «Соғинч».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Илҳом сатрлари».
20.05 «Эгиз қўшиқлар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Тиббиёт ходимлари куни. «Сиҳат-саломатлик».
21.25 «Мусиқа салтанати».
21.45 «Шаҳс ва баҳс».
22.10 «Интер-футбол».
22.40 «Келгуси ҳафтада».
22.55 Эълонлар.
23.00 «Ҳафтанома».
23.30 Тунги сеанс. «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 2-серия.
00.35 Тунги тароналар.
00.45 «Тақвим».
00.55—01.00 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Боланинг тили...»
9.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.45 Болажонлар экрани.
11.00 «Табиат шифохонаси».
11.10 «Мухлис ТВ-2».
11.25 «Умрбоқий мерос».
11.40 «Мафтункор чеҳралар».
12.05—14.05 Видео—»О».
***
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Ёрилтош». Мульттўплам.
19.00 «Миш-мишлар...»
19.10 «Мухлис ТВ-2».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Қонун ҳимоясида».
20.10 Дилором наволар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Глобус». Телеальманах.
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.45 Видео—»О».
23.45 «Мувозанат» — келгуси ҳафта тақвими.
24.00 «Мухлис ТВ-2».
00.15—00.25 «Даракчи».

III

17.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
17.20 — 23.15 Россия жамоат телевидениеси.
*
23.15 Эълонлар.
23.20 «Янги қасоскорлар». Телесериал (Англия).
00.10 — 00.35 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Парлё ву франсе?».
10.00 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.40 «Жонли сайёра».
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.10 Эълонлар.
12.15 Киносалон. «Регтайм». Бадиий фильм.
14.45 «Мусиқий Олимп».
15.10 «Кинони севасизми?».
15.40 «Дарвоқе».
16.05 «Шу куннинг мавзуси».
16.20 Кундузги сеанс. «

ЮЛДУЗ УЧДИ

Ҳикоя

ЭШИК охиста тақиллади. Кейин «Мумкинми?» деган овоз эшитилиб, ичкарига ўктамона юриб, Мастура кириб келди.

— Яхши ётиб турдингизми? — деди у дори нинани осмонга қаратиб, учидан суюқлик сачратаркан. — Қани, Замонали ака, бу гал чап қўлингизни берингчи.

Озғин, тикандек қаттиқ сочлари таралса ҳам тик турадиган йигит ҳамширага ярим ўгирилиб, очиқ билагини тутди.

Бу пайтда қарши кравотдаги икки юзи қип-қизил йигит синиқ жилмайди:

— Нинангиз синиб қолмасин, дўхтир. Бола бечора қоқ суяк бўлиб кетипти.

— Парво қилманг, семиртирворамиз. Ахир одам бир терининг ичида неча бор семириб, неча бор озади.

Мастура шундай деб чаққон ҳаракат билан нинани алмаштирди, иккинчи уколни ҳам қилиб бўлди.

— Ҳозирча хайр. — Шундай деб эшик тагига борди-да фақат қизларга хос илдам назар билан Замоналига қараб қўйди.

Хона яна жимжит бўлиб қолди. Кечкузнинг совуқ ҳавоси этни жунжитар, икки бемор одеялга ўралиб, сукут сақлашарди. Ташқарида эса терак япроқлари учиб-учиб, ерга тушади. Деразадан

1

хонага ёруғлик ёйилиб кира бошлайди. Нафас олиш енгиллашгандек. Замоналининг юраги бир текис уради, илгаригидек санчиқ йўқ.

— Оғайни, — дейди кўкрагини ерга босиб ётган Собит, — жа содасан-да.

Замонали кўзини деразадан олади.

— Нега бунақа деяпсиз?

— Доктор қизнинг сизда кўнгли бор. Сездингизми?

Замоналининг қисиқ кўзлари беғубор жилмайди.

— Қўйсангизчи. Бекорчиликдан ҳар хил гап чиқаркан-да.

Собит беписанд жилмайди:

— Ўғил бола гапни айтаяпман. Кеча сиз ташқарига чиқдингиз-ку, ўшанда у хонага кириб қолди, сизни сўради.

Замонали ҳамхонасининг гаплари ростлигига ишониб турарди. Чунки, тушликдан кейин Мастуранинг хонадан чиқиб кетаётганини кўриб қолганди.

— Яна таржимаи ҳолингиз ҳам маълум бўлса, ёшингиз ҳам муносиб. Нима, яхши кўриш мумкин эмасми?

Собит бу гапларни жиддий айтар, шунинг учун сўққабошлик жонига тегиб кетган Замоналининг миясидан балки Мастура чиндан ҳам мени севар деган фикр ялт этиб ўтди.

Думалоқ юз, шалоладек қора сочлари елкаларига қуйилиб тушган бу қиз кейинги пайтда ўзига ҳам ёқиб қолганди. У шу ёшгача бирон қизни хушламаган, бунга ўзининг инжиқлиги-ю беқарорлиги сабаблигини ҳам ҳис этар, аммо, буни тан олгиси келмас, ҳаммасига қизларнинг бевафолиги сабаб деб изоҳлашга уринарди.

У бир кун тушликдан сўнг ёлғиз хонасида китоб ўқиб ётганида эшик одатдагидек тақиллаб, Мастура кириб келди.

2

— О, — деди у Замоналининг қўлидаги гунафша ранг китобга кўзи тушиб, — Ўткир Ҳошимми?

Йигит елкасини одеялга ўраб, ўрнидан туриб ўтирди. Мастура рўпарадаги стулга омонатгина чўкди.

— Ҳа.

— Нимаси ёқади, шуни? — Мастура қандайдир норози оҳангда сўради.

— Ҳаммаси, — деди Замонали. — Айниқса, инсон руҳиятини моҳирона тасвирлаши.

Мастура қошиқдек туфлиси учига қараганча жим қолди. Унинг ярим очиқ лаблари орасидан тилла тишлари ярақлаб турар, қулоғида ёқут зирак жило қиларди.

— Сиз Ўткир Ҳошимни ўқиганмисиз? — сўради Замонали энди қизга дадил боқиб.

Мастура жилмайиб, бош чайқади.

— Йўқ. Яхши ёзади дейишади. Нима, танглайингизни китоб билан кўтарганми. Китобдан бошқа гапни ҳам билмайсиз.

Замоналининг ичида бир нарса узилиб кетгандек бўлди. Қизнинг шу гапи у ҳақдаги тасаввурини ўзгартириб юборди.

Бироздан кейин Собит кириб келди.

— Қалай, маъқулми? — деди илжайиб. — Энди бўйдоқликдан қутиларсиз?

Замонали бошини ёстиққа ташлаб, юзини тескари бурди:

— Шаҳарлик қизларнинг ибоси қолмаган. Тиллага беланиб, модний кийиниб юрадилару, қўлига китоб олмайди. Тағин рўпарамга ўтириб олганини айтмайсизми?

Осмонни олачалпоқ булут қоплаганди. Лекин, тўлин ой

3

улар орасидан тез-тез юз кўрсатар, шунда атроф бирдан ёришиб кетгандек бўлади. Замонали кечки овқатдан сўнг ҳамхонаси билан хиёбон бўйлаб борар экан, бирдан хушёр тортди.

— Йўқол, — деди таниш овоз. — Ҳамманг бир гўрсан. Вафосизлар!

Кейин бир нарса шарақ этди. Замонали икки ҳатлаб ён томонга ўтди-да, юраги шув этиб кетди. Сал нарида бир йигит юзига кафтларини босиб турар, олдинда эса оқ ҳалатини хилпиратиб Мастура кетиб борарди.

— Тўғри қилипсиз, — деди Собит Замоналига бош чайқаб. — Ростдан ҳам шаҳарлик қизларга ишониб бўлмайди. Бугун сени, эртага бошқасини илинтирмоқчи бўлади. Мана, жонли мисол...

Замонали санаторийдан қайтгач, анча кундан кейин қўлига яна Бунининг китобини олди. Негадир ўша воқеалар сабабми махзун кайфиятда варақлади. Бирдан доринома ортига ёзилган хатга кўзи тушиб ажабланди. Қизиқиб ўқиди: «Замонали ака! Мен сизни севардим. Тошбағир экансиз! Аламига юрганим бўлсин! Мастура».

Уч ундовли бу гаплар йигитнинг бағрини ханжардек тилиб кетди. Кўз ўнгида ўша олачалпоқ булутлар орасидан сулув ой юз кўрсатган тун, нотаниш эркак ва оқ халатини хилпиратиб кетиб бораётган Мастура пайдо бўлди.

Демак, у аламини олмоқчи бўлган. Қалбида эса поклик ва ҳаё туғён уриб, бутун ҳис-ҳаяжонлари ағдар-тўнтар бўлиб кетган. Хайрият...

Замонали чекиш учун ҳовлига чиқди. Ҳаво очиқ ва совуқ эди. Беихтиёр осмонга қаради.

Шу топда унинг боши узра юлдуз учди.

Абдусаттор ҲОТАМОВ.

4

КАТТА САҲНАГА ЙЎЛ

Янгийўлдаги «Қалдирғоч» халқ цирк жамоаси республика кўрик-фестивалининг ғолиби бўлди

...Ўша куни болалар ярим тунгача ухлашмади. Бахтиёр Аринов чалиб турган мусиқага жўр бўлиб роса ўйинга тушишди. Уларнинг қийчуви бутун меҳмонхонани тутган эди. Эртасига эрталаб «Икарус» автобусига ўтириб, Қўқон шаҳри билан хайрлашдилар ва жонажон пойтахт томон йўл олдилар.

Уч кун эрта тонгдан кечгача давом этган «беллашув»нинг якуний кечаси шу тарзда ҳаяжонли ўтди. Ўша унутилмас дамлар уларнинг кўз олдида бот-бот гавдаланади: ҳакамлар ҳайъати раиси «Қалдирғоч» халқ цирк жамоаси дорбозлар, анъанавий цирк санъати ва қўғирчоқ театрлари жамоаларининг республика кўрик-фестивалида биринчи ўринни эгаллади, дея эълон қилган пайтдаги болаларнинг қувончи таърифга сиғмасди. Улар шодликларини яширолмай овозлари борича қичқириб юбордилар. Жамоа раҳбари Дарвишбек Раҳмонов лауреатлик дипломини оларкан, шогирдлари — «Қалдирғоч»нинг ҳар бир аъзосини маҳкам қучиб ўпарди.

— Бу ютуқ сизларнинг хизматингиз! — дерди у елкасига осилиб олган болалардан миннатдор бўлиб...

Дарҳақиқат қадимий Қўқонга Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларидан йиғилган 30 га яқин цирк жамоалари ичида ғолиб чиқиш осон эмасди. Илгарилари бундай кўрик-фестиваллар Тошкентда ўтарди. «Қалдирғоч» уларда ҳам қатнашарди-ю, лекин биринчиликни бошқалар илиб кетарди. Қўқондаги муваффақиятга жамоанинг ҳамма аъзоси муносиб ҳисса қўшди. Кўрикка янгийўлликлар пухта дастур тайёрлаб, ундаги барча номер устида узоқ ишлаган эдилар. Шундай бўлса-да, тош ўйнатувчи 9-синф ўқувчиси Алишер Ашуров ва 8-синфни тамомлаган Равшан Эргашбоев ҳам, анчайин тажриба орттирган кўз боғловчи Бекмирза Ўрмонов билан жонглёр Азамат Маҳкамовлар ҳам бирдай катта олқишлар олдилар. 11 ёшли Олия Тошкенбоева «Чигирткалар ўйини»да Маҳкал Эгамбердиева, Муштарий Зокирова каби шерикларидан қолмасликка ҳаракат қилди. Акробат Хуршидбек Раҳмонов нарвонда бажариладиган машқларни чапдаст ўт ўчирувчилардан ҳам эпчиллик ва дадиллик билан ижро этди. Эндигина тўққиз ёшга тўлган бу умидли болакай кўп ўтмай етук санъаткорлар сафидан жой олса ажаб эмас.

Кўрикда вакилларимиз ўндан ортиқ номер намойиш қилдилар. Дастурдан жой олган масхарабозлик, пантомимо, умумий чиқишлар ҳам юқори баҳоларга сазовор бўлди. Дастурни олиб борувчи Мўтабар Холжигитовадан тортиб, мусиқа созловчи Бахтиёр Аринов, Санжар Рихсибоевгача — жамоанинг ҳар бир аъзоси зиммаларидаги топшириқни кўнгилдагидек адо эта олишди. Умуммуваффақиятида саҳналаштирувчи режиссёр ва раҳбар Дарвишбек Раҳмоновнинг хизматлари алоҳида таҳсинга лойиқ. У жамоани уюштира билиш истеъдодини намойиш қилди. Тиниб-тинчимас бу раҳбарнинг эзгу нияти — ёшларни соғлом, бақувват, эпчил ва иродали қилиб тарбиялаш, цирк санъати орқали минг-минглаб томошабинларга шодлик ва завқ бағишлашдир.

«Қалдирғоч»нинг республика кўрик танловидаги муваффақиятини умуман янгийўллик ҳаваскор санъаткорлар, қолаверса, вилоят маданият ишлари бошқармаси эришган зафар сифатида баҳолаш мумкин.

Жамоа аъзолари бундан буён байрамлар, тантаналарда фаол иштирок этиб, томошабинларга кўпдан кўп қувонч улашиш нияти билан яшамоқдалар. Алишер Ашуров, Илҳом Тўхтаевлар эса бу йил цирк билим юртига кириб, ўқишни давом эттириш орзусидалар. Биз катта саҳнага йўл олаётган янгийўллик ёш истеъдодларга янги омадлар тилаймиз.

Соат МУСАЕВ.
Суратларда: «Қалдирғоч» халқ цирк жамоасининг чиқишлари.

Об-ҳаво

ЁЗГА МОМАҚАЛДИРОҚ ЯРАШАДИМИ?..

...9-10 июнь кунлари момақалдироқ бўлиши кутилгандан кейин нима ҳам дердик? Момақалдирокдан аввалроқ сониясига 15-20 метр тезлик билан чанг-тўзонли шамол кўтарилади. Баъзи туманларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб ўтади. Ёғингарчилик пайтида ҳаво ҳарорати пасайиши мумкин. Бугун ва эртага қуруқ-иссиқ мўътадиллик сақланади. Кечаси ҳарорат 19-24 даража, кундузи 32-37 даража бўлади.

ФУТБОЛ

БИЛЛУР СОВРИН, БИРИНЧИЛИК ВА ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ

Вилоятимизнинг «Дўстлик» футбол жамоаси учун кейинги бир ҳафта уч жабҳада куч синашишга тўғри келди. Аввало шуни айтиш керакки, «Дўстлик» мамлакат биллур соврини учун курашнинг нимчорак финалидан муваффақиятли ўтди ва 8 жамоа орасидан жой олди. Вилоятимиз вакиллари мусобақанинг бу даврасида «Косонсой» футболчиларини курашни давом эттириш ҳуқуқидан маҳрум қилдилар. Тўғри, Косонсойда бўлган ўйин 4:2 ҳисобида майдон эгалари фойдасига тугади, бироқ, икки учрашув натижасига биноан «Дўстлик» кубок мусобақаларининг чорак финалига чиқди. (Биринчи учрашувда вакилларимиз рақиблар дарвозасига 5 та тўп киритиб, атиги бир тўп кўйиб юборган эдилар).

Мамлакат биринчилиги ўйинларида ҳам «Дўстлик» мукофотли ўринни олишга интилмоқда. Унинг II-турда Сурхондарё вакиллари билан бўлган «беллашуви» 1:0 ҳисобида «Дўстлик» фойдасига ҳал бўлди. Учрашувда Хабибулин киритган ягона тўп вилоятимиз вакилларига муҳим ғалаба келтирди. «Дўстлик» 11 учрашувдан сўнг 24 ҳол тўплаб, тўртинчи ўринни эгаллаб турибди. Бу турда «Трактор» — «Янгиер» учрашуви 2:2 ҳисобида, «Зарафшон» — «Насаф» ўйини 1:1 ҳисобида дуранг бўлди. «Хоразм» «Чилонзор»ликлар устидан 2:1 ҳисобида ғолиб чиқди.

Мамлакатимизга меҳмон бўлиб келган Германия Олимпия терма жамоаси кеча «Дўстлик» ўйингоҳида майдон эгалари билан куч синашди. Меҳмонлар бунгача Самарқандда бўлиб, «Афросиёб» билан халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказган эдилар. Бу ўйинда кучлар тенг келди — 1:1.

ДУНЁ СПОРТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

БАСКЕТБОЛ. Америка Қўшма Штатларининг миллий баскетбол уюшмаси дунёдаги энг кучли баскетбол лигаларидан бири ҳисобланади. Баскетбол Америкада шу даражада оммавийлашганки, ҳатто машҳур баскетболчилар салкам миллий қаҳрамон даражасига кўтарилган пайтлар ҳам бўлган.

Айни пайтда «Чикаго буллз» жамоаси ўйинчиси Майкл Жордан ҳам ана шундай ўйинчилар сирасига киради. «Учар Жордан» лақабини олган 34 ёшли бу ўйинчи айни пайтда ўз фаолиятининг юқори чўққисига чиққан бир пайтда, «Чикаго сан таймс» газетаси унинг юлдузи дарров сўниб қолмасмикан, деган савол билан бир гуруҳ профессионал баскетболчилар ва мутахассисларга мурожаат этди. Шуниси қизиқки, сўровда қатнашганларнинг барчаси Майкл Жордан шунча ёшга кирган бўлишига қарамай, ҳали ўзининг барча имкониятларини намоён этишга улгурмагани ва яна камида беш йил уюшманинг биринчи рақамли ўйинчиси бўлиб қолишини таъкидлашган.

* * *

САЙЁҲЛИК. Дунё бўйлаб денгиз саёҳатига чиққан россиялик Роберт Баятяннинг нияти пучга чиқишига бир баҳя қолди. Шахсий яхтаси Австралия қирғоқларига яқинлашганда у жамоа аъзолари — тўрт нафар ватандоши билан жанжаллашиб қолади. Жамоа аъзолари эса норозилик намойиши сифатида яхтани тарк этишди. Айни пайтда улар Австралияда қолиб, ўз ватанига қайтиш учун етарли маблағ тўплаш билан овора. Экипаж аъзоларидан жудо бўлган капитан Баятян эса икки нафар австралияликни ёллаб саёҳатни давом эттиришга мажбур бўлди.

* * *

РОССИЯЛИК машҳур спорт шарҳловчиси Николай Озеров 75 ёшида оламдан ўтди. Н. Озеров нафақат спорт журналистикасида донг таратди, у, шунингдек, машҳур теннисчи ва актёр ҳам эди. Н. Озеров 30 йил давомида спорт ўйинларини шарҳлади. Унинг футбол бўйича 7 та ва хоккей бўйича 25 та жаҳон чемпионатидан ҳамда ундан зиёд олимпиадалардан олиб борган репортажлари спорт ишқибозлари хотирасида узоқ қолади.

* * *

ШОХМОТ. Халқаро шохмот федерацияси (ФИДЕ) президенти Кирсан Илюмжинов шохмот бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати 1998 йил январ ойида Швейцариянинг Лозанна шаҳрида ўтказилишини маълум қилди. ФИДЕ президентининг таъкидлашича, мазкур биринчилик ўзининг қизиқарли ўтиши билан олдингиларидан фарқ қилади. Сабаби: унинг соврин жамғармасини ташкил этадиган беш миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ҳар қандай шохмотчини ўзига жалб этади.

(ЎзА).

БИЛАСИЗМИ?

◆ Лоланинг ватани Голландия дейишади. Аслида бу гул Туркиядан тарқалган. Унинг номи — тулибанд. Лола туркларнинг бош кийимига ўхшагани сабабли уни ана шундай деб аташган ва тюлпан номи билан XVI асрда Европага, шу жумладан, Голландияга тарқалган.

* * *

◆ Мисрдаги Хеопс эҳроми дунёдаги энг катта эҳром сифатида танилган. Аммо олимларнинг фикрича, Мексикадаги II ва VI асрлар ўртасида Кветцалкоатл-ацтеклар худосига атаб қурилган эҳромга тенг келадигани йўқ. У 18 гектар майдонни эгаллаган, баландлиги 54 метр, ички кенглиги 3,3 миллион кубометр бўлиб, Хеопс эҳромидан 1 миллион куб метр ортиқдир.

* * *

◆ Сақич америкаликлар ихтироси ҳисобланса ҳам минглаб йиллардан бери одамларга маълум. Қадимги греклар нафас олишни енгиллаштиради, деган ўйда писта дарахтининг мўмини чайнашарди. Майя ва бошқа қабила одамлари эса шу мақсадда арча елимини чайнаб юришган.

* * *

◆ Немис олими ва файласуфи Фридрих Бюхнер (1824 — 1899) инсон миясидан фосфор моддасини топгач, бу модда фикрлаш жараёнини тезлаштиради, деган тўхтамга келган. Шу сабабли шифокор олимлар балиқда фосфор моддаси кўп экан, уни истеъмол қилиш ақлий фаолиятни кучайтиради, деб ўйлаганлар. Тўғри, балиқ фойдали озуқа. Аммо, ундаги фосфор мияга таъсир ўтказмайди. Шундай экан, унинг катализаторлик аҳамияти ҳам йўқ экан.

* * *

◆ Европада қонхўр деб ном чиқарган кўршапалакларнинг 30 хилдан кўпроғи амалда мева ва ҳашоратлар билан овқатланар экан. Аммо, Жанубий Америка чангалзорларида истиқомат қиладиган 7 сантиметр катталиқдаги кўршапалаклар чиндан қон ичиб яшайдилар. Улар ҳайвонларнинг терисини тишлари билан қирқиб, сизиб чиққан қонни ялайдилар. Бироқ шуниси ажабланарлики, фанда бу кўршапалаклар қонхўр сифатида тан олинмаган.

* * *

◆ Илонлар нега вишиллашини биласизми? Улар бирор жонивор яқинлашаётганини сезсалар, куч билан нафас оладилар. Уларда бурун ўрнига оғиз бўшлиғида ҳид сезадиган ўта кучли орган жойлашган. Илонлар нафас олганда жониворларнинг исини ана шу органлар ёрдами билан сезиб оладилар.

* * *

◆ Араб рақамлари аслида Ҳиндистонда вужудга келиб, сўнгра арабистонда тарқалган. Бу рақамлар Испания орқали Оврупо халқларига маълум бўлгач, «араб рақамлари» деб юритилган.

* * *

◆ Спагетти (узун угра) ҳам аслида итальянларнинг миллий овқати бўлмаган. Саёҳатчи Марко Поло Хитойда бўлганида шундай овқат тайёрлашни ўрганиб, Италияга қайтганидан сўнг ҳамюртлари орасида кенг тақалишига сабабчи бўлган. Пировардида, спагетти италияликларнинг севимли миллий овқатига айланган.

ДОНИШМАНД ДЕЙДИКИ...

● Икки нарса ақлсизлик аломатидир; бири — қабиҳ ва тубан кишиларга иззат-эҳтиром кўрсатмоқ, иккинчиси — доноларга такаббурлик қилмоқ.

● Икки нарса дунёда мангу қолишга сазовор: бири — улуғ кишиларнинг хайрли ишлари, иккинчиси — оқилу доноларнинг ҳикматли сўзлари.

● Ҳасадни ўзингга одат қилма, кейин ундан қутулолмайсан, уни даволаш ҳам асло мумкин эмас.

●Доно кишиларнинг сўзи уни бахтсизликдан сақлайди, ярамас одамнинг тили эса ўзига мусибат келтиради.

● Ясовулдан дўст танлама, чунки, у ҳақиқатни тан олмайди. Агар сен унга ҳазор бора нону сув тутқазсангда, ундан бирон марта иссиқ (таом) сўраб ололмайсан.

● Гарчи одамлар бир хил бўлсалар ҳам уларнинг ҳар бири (ташқи дунёни) турлича қабул қилади.

● Мунофиққа илм ўргатма, чунки, оқибатида ана шу илм билан сени таслим этади.

● Агар сен инсон бўлсанг, халқ манфаати йўлида шундай жонбозлик кўрсатгинки, токи у сенга сидқидилдан, бажонудил хизмат қилсин.

Мажид ХАВОФИЙнинг «Равзати хулд» асаридан. А. АЛИЕВ тайёрлади.

Тошкент вилояти прокуратураси маъмурияти Юқоричирчиқ тумани прокурори Б.А. Ультараховга отаси

Амри УЛЬТАРАХОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилоят ҳокимлиги жамоаси «Ўзбекшахтақурилиш» трестининг собиқ раҳбари

Эдуард Вартанович КАЛУСТЯНнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «Мискин» маҳалла фуқаролари йиғинининг давлат гербли думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0364. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 13.352 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 19. 00. Босишга топширилди – 17.45 1 2 3 4 5 6